



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 89 (11.900)

Баҳоси эркин нарҳда

## ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 5 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи муштарак. Тили, маданияти, урф-одатлари ўхшаш. Аждодларимизнинг илмий, адабий ва маънавий мероси халқларимизнинг умумий мулки саналади. Ўзбек ва туркман азалдан тақдир синовлари даврида бир-бирига елкадош бўлиб, шуқуҳли дамларда қувончини баҳам кўриб келган. Биз бир-биримизнинг улоқ-қўлқаримизда қатнашамиз, бир даражадан сув ичамиз. Ўзбекистоннинг тўйида туркман, туркманнинг тўйида Ўзбек азиз меҳмондир.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида янги, сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарилди. Бугун Ўзбекистон-Туркменистон ҳамкорлиги 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлари ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустақамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида жадал ривожланмоқда. Мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг бу гагли Тошкент учрашуви олий даражадаги самарали ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедовнинг яқма-яқма суҳбатида Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Туркменистон раҳбарининг ушбу ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, яхши қўшничилик тамойиллари асосидаги икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бахш этиш борасида томонларнинг саъй-ҳаракат ва интилишлари муштарак эканининг тасдиғи бўлгани таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини турли соҳаларда имзоланган ҳужжатлар ҳаётга самарали таъбиқ этилаётганида ҳам кўриш мумкинлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида изчил ҳамкорлик қилиб келаётгани, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувлари, муносабатлари, қарашлари ўхшаш ва яқин экани таъкидланди. Суҳбат чоғида Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама этдилар.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилар экан, бу мамлакатда фақат ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги яна бир бор қайд этилди. Мамлакатларимизнинг Афғонистонга қўшни давлатлар иштирокида афғон муаммосини ҳал этиш бўйича музокаралар жараёнини фаоллаштиришга қаратилган янги тасирчан механизмларни яратиш борасидаги ташаббуслари муҳимлиги таъкидланди.

Ўрта Осиёда сув-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш, минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди. Сув-энергетика соҳасига оид масалалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида, минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқиши зарурлиги яна бир бор таъкидланди. Трансчегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотларини қуриш масалаларига ёндашишда БМТнинг Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳфаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича ва Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенциялари талабларига риоя қилиш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар музокарини Ўзбекистон ва Туркменистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Бу музокарада икки мамлакатдан асосий вазирлик ва идоралар, йирик компания ва ташкилотлар мутасаддилари иштирок этгани томонларнинг ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда янада кенгайтириш ва мустақамлаш йўлидаги кучли интилиш ва азму шижоатидан далолат бўлди. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик кўлами тобора кенгаймоқда. Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан ёқилги энергетика мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тараққий этмоқда. Мамлакатларимиз бу соҳада икки то-

монлама ҳамкорлик баробарида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этаётди. 2009 йилда очилган Туркменистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой магистрал газ қувури бунинг яққол далилидир.

Музокарада ушбу магистрал газ қувурини ҳамда энергия ресурсларини минтақамиздан жаҳоннинг бошқа бозорларига экспорт қилиш имконини берадиган муқобил йўналишларни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг бой табиий ресурсларини жаҳон бозорига етказиш йўналишларини диверсификация қилиш масалаларини биргаликда ўрганиб чиқиш, энергия манбаларини ташишда энергетик хавфсизликнинг глобал тизимини шакллантириш бўйича ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналишидир. Ўзбекистон орқали Туркменистонга, Туркменистон орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимиз ҳудудлари ва ривожланган транспорт-коммуникация тизимлари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ҳам ўтайди. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркменистонда транзит соҳасида йирик салоҳият мавжуд эканидан далолатдир. Мазкур соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш нафақат икки мамлакат, балки минтақалар ва қитъалар ўртасида халқаро савдони, кенг кўламли сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил октябр ойида Туркменистонга расмий ташрифи асносида Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Уммон-Қатар янги транспорт йўлини ташкил этиш масаласи алоҳида муҳокама қилинди. Жаҳон бозорига чиқиш учун улкан имкониятлар яратиши мумкин бўлган бу лойиҳани амалга оширишда икки мамлакат ўзаро ишончли ҳамкорлардир. Яқинда мазкур йўлакни барпо этиш бўйича "Ашхобод битими" имзоланди. Унинг ҳаётга таъбиқ этилиши иштирокич мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш баробарида, халқаро транзит юклар ҳажмини оширишга, улар учун жаҳон бозорига янги коммуникация тармоқлари очирилишига хизмат қилади.

Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳар икки мамлакат ҳам алоҳида эътибор билан қарайди. Бу ўзаро савдо-сотик фаоллашаётгани мисолида яққол намойён бўлмоқда. Сўнгги тўрт йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тўрт баробардан зиёдрок ошди. 2010 йилда бу борадаги қўрсаткич 200 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркменистон ҳукуматлараро кўшма комиссияси мунтазам равишда мажлислар ўтказиб, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиб ва ривожлантириш масалаларига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Шу билан бирга, Тошкентда Туркменистон, Ашхободда Ўзбекистон миллий кўргазмаларини ташкил қилиш яхши аънаънага айланган.

Музокарада ўзаро савдо номенклатурасини Ўзбекистон ва Туркменистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматлар ҳисобига кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу икки мамлакат корхоналари ва компаниялари ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга, кооперацион ҳамкорликнинг янги самарали шакллари ривожлантиришга хизмат қилади.

Музокарада маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, аънавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг маданият ва санъат намояндалари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестивал, кўргазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келади. Хусусан, туркменистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтайдиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг доимий ва фаол қатнашчиларидир.

Олий даражадаги ташрифлар доирасида икки мамлакат санъат усталари иштирокида дўстлик ва санъат фестиваллари ташкил этилиши яхши аънаънага айланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу кунларда қўҳна ва боқий Бухоро навбатдаги Ўзбекистон-Туркменистон дўстлик фестивалига мезбонлик қилмоқда.

Маданий-гуманитар соҳада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қабул қилинган бўлиб, у ҳам кўлаб маданий дастурларни ўз ичига олади.

Мулоқот чоғида маданият, санъат, сайёҳлик, спорт соҳаларидаги алоқаларни янада фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Музокара якунида Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон-Туркменистон Кўшма баёнотига имзо чекдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳукуматлари ўртасида Савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу билан томонларнинг мазкур соҳадаги ҳамкорлигини кенгайтиришга доир янги механизм яратилиб, у икки мамлакатнинг иқтисодий тузилмалари учун бевосита "on-line" тартибда иш юритиш имконини беради. Яъни, икки мамлакатдаги истеъмолчи ва харидорлар учун бир-бири билан танишиш, бизнес-мулоқот ўтказиш, шартномалар тузишда янги қулайликлар туғдиради.

Илмий-технологик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим эса энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳалардаги муносабатларни ривожлантиришни кўзда тутади.

Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Туркменистон Миллий маданият маркази Миллий кутубхонаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат халқаро китоб алмасуви, замонавий кутубхона технологияларини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш, ўзаро тажриба алмасиш ва илмий ютуқларни биргаликда ўрганиш борасидаги алоқаларни чуқурлаштиришга қаратилган.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокаралар очиб, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат халқлари фаровонлигини оширишга хизмат қилишини таъкидладилар.

Бўлиб ўтган конструктив ва самарали музокаралар томонларнинг Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан қарашлари ўхшаш ва яқин эканлигини намойён қилди, деди Ислам Каримов. Мулоқотлар якунида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон-Туркменистон алоқаларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Туркменистоннинг ишончли дўсти, муҳим ва фаол шеригидир. Биз Ўзбекистон билан азалий дўстлик, маънавий яқинликка таянган самимий муносабатларни юксак қадрлаймиз, деди Гурбангули Бердимухамедов. Бугунги музокаралар томонларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга интилишлари муштарак эканини яна бир қарра тасдиқлади.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Мустақиллик майдонида ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди, мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Президентлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йили пойтахтимизда бунёд этилган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройига ташриф буюрдилар. Сарой йирик халқаро конференциялар, маданий-маърифий тадбирлар, концертлар ўтказиш борасида жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу муаззам бино атрофидаги ландшафт дизайни унга алоҳида кўрк бахш этиб турибди. Туркменистон Президенти саройнинг миллий меъморлик аънавалари ва замонавий архитектура усулларини ўзида муҳассам этган меъморий ечими ва дизайнга юксак баҳо берди. Гурбангули Бердимухамедов ушбу муштуман сарой Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан юксак салоҳиятга эга давлат эканидан яна бир далолат бўлишини алоҳида таъкидлади.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,  
ЎЗА мухбири

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғонада вилоят ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 3 мартда қабул қилинган Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказишга оид қарори ижроси доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда вилоятда фаолият юритаётган 100 дан ортиқ саноат корхоналари, агрофирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этди.

● Самарқандда жорий йилги пилла этиштириш мавсумини самарали ўтказиш, ипак курти парваришлаётган оилаларни рағбатлантириш ва улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Тадбир давомида пиллакорлар учун керакли воситалар ва зарур жиҳозлар билан таъминланган микроавтобуслар намойиш қилинди.

● «Қишлоқ қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти (Хатирчи тумани) томонидан кунига 50 минг дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга янги завод фойдаланишга топширилди. Хориж технологияси асосида жиҳозланган корхонада қисқа муддатда бир йўла 360 минг дона гиштни пиштадиган хумдон ишга туширилди ва 75 киши доимий иш ўринларига эга бўлди.

● Олтириқ туманидаги Жонибек қишлоғида ташкил этилган янги қишлоқ врачлик пункти юртимизда аҳоли саломатлиги йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самарасидир. Шифо масканида беш мингдан ортиқ шишлоқ ахлига малакали шифокорлар томонидан юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатилади.

● Қизилтепа туманининг «Ванғози» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Адишбо» фермер ҳўжалиги қошида сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси фаолият бошлади. Бунинг учун тадбиркор Элёр Ҳамроев банк кредити ҳамда ўз маблағи ҳисобидан 400 миллион сўм миқдорда сармоя йўналтирди. 14 иш ўрни яратилган корхонада қисқа муддатда етти турдаги 56 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб истеъмолчиларга етказиб берилди.

● Хатирчи туманининг Янгибод кўрғонига яхна ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Севиш» хусусий фирмаси ишга туширилди. Бунинг учун тадбиркор Дилшод Ҳасанов банкнинг 150 миллион сўмлик кредити эвазига замонавий технологиялар келтириб ўрнатди. Натижада бу ерда кунига 2 минг литр ҳажмида хуштаъм шарбатларни бежир идишларга қадоқлаб, 6 турдаги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

### ЖАҲОНДА

● Кеча Бен Гурион номидаги Исроил халқаро аэропортида авиация керосини зарарли аралашмаларнинг мавжудлиги аниқланганидан сўнг бир нечта халқаро рейслар бекор қилинди.

● Кеча Канададаги нефть ўтказгичнинг жиддий шикастланиши натижасида қисқа муддат ичида 28 минг баррель нефть тўкилиб кетди. Мутахассислар ушбу ҳодисанинг табиий муҳитга катта зарар етказишини таъкидлашмоқда.

● Бразилияда полиция ходимлари томонидан болаларнинг ўйинчоқ қуролларини йиғиштириб олиш бўйича ўзига хос акция ташкил қилинди. «Қурол-яроғ эвазига совгалар» деб номланган ушбу тадбирда ўз «қуролини» олиб келган ҳар бир болакайга совға топшириляпти. Ҳокимият вакиллари шундай йўл билан болалар орасида шафқатсизлик ва жангариликнинг тарқалиши олдини олишни мақсад қилишган. Таъкидлаш жоизки, ҳозир Бразилияда жиноятчилик жуда юқори даражага кўтарилган.

● Вашингтоннинг Даллас номидаги халқаро аэропортида сомалилик қароқчи ушланди. Маълумотларга қараганда, 48 ёшли Муҳаммад Али 2008 йили АҚШ юки ортлган Даниянинг кемасини ўғирлашда иштирок этган. Агар қароқчининг айби исботланса, у умрбод қароқчилик ҳисобига ҳукм этилади.

● Жаҳон бозорида бир фунт (0,45 килограммга яқин) кофенин баҳоси 3 долларга етди. Бу сўнгги 34 йилдаги кофема қўйилган энг юқори нарҳдир. Маълум бўлишича, кофе баҳосининг ошиши Хиндистон, Хитой, Индонезия ва Бразилия каби ривожланаётган мамлакатларда бу маҳсулотга талабнинг ортиши билан боғлиқдир.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2011 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2011 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари иқтисодий ислох қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ўзининг юксак самараларини бераётганлигини кўрсатди.

## I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

Иқтисодиётдаги таркибий туб ўзгаришларни чуқурлаштириш давом эттириш, ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни давом эттириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ўсиш суръати 7,6 фоизни ташкил қилди. Бунда 2,7 фоизли паст даражадаги инфляция ҳамда Давлат бюджети профицитини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдоридида сақлаш таъминланди.

Иқтисодий юқалиш саноят маҳсулотлари ҳажмининг 6,2 фоиз, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари 5,8 фоиз, транспорт ва алоқа соҳасида 10,8 фоиз, чакана савдо айланмаси 13,1 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 13,8 фоиз, маҳсулот экспорти 28,5 фоизга ўсиши ҳисобига таъминланди.

2011 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2010 йилнинг шу давридаги нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,6
Саноят маҳсулотлари	106,2
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	110,3
Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари	105,8
Чакана савдо айланмаси	113,1
Пуллик хизматлар	113,8
Экспорт	128,5

## II. Таркибий туб ўзгаришлар ва юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш

Мамлакат рақобатбардошлигининг ошишини таъминлаш ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларидаги позициясини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида юқори технологияларга асосланган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларда юқори иқтисодий фаоллик кузатилиши самарасида саноятда ишлаб чиқаришнинг ўсишига эришилди.

Хисобот даврида кимё ва нефть-кимё санояти (114,1 фоиз), машинасозлик ва металл қайта ишлаш (108,8 фоиз), энгил саноят (107,1 фоиз), озиқ-овқат санояти (109,3 фоиз) ва тиббий саноят (152,3 фоиз) энг жадал суръатларда ривожланди.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасини саноятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур доирасида энергетика, нефть-газ кимёси, кимё, тўқимачилик ва энгил саноят, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, замонавий турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш каби саноятнинг устувор тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган таркибий туб ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ишлари давом эттирилди.

Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида автомобиллар, нефть-кимё ускуналари, аккумуляторлар, кулантирувчи трансформаторлар, кабель-ўтказгич маҳсулотлари, кимёвий тоғлар, дори воситалари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли даражада ўсиши таъминланди.

Йирик корхоналарда юк ташиш автомобиллари (21,3 фоизга), энгил автомобиллар (6,8 фоизга), синтетик ювиш воситалари (2,4 баравар), совутич ва музлатгичлар (8 фоизга), алкогосиз ичимликлар (11,3 фоизга), ёрма (4,7 баравар), ўсимлик ёғи (9,2 фоизга), маргаринли маҳсулотлар (2,4 баравар), хўжалиқ совуни (15,1 фоизга), ипак матолар (34,9 фоизга), трикотаж буюмлари (28,7 фоизга), тикуччилик маҳсулотлари (9,4 фоизга), дори воситалари (2 баравар) ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, технологик жараёнларни модернизация қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнини такомиллаштириш ҳисобига саноят ишлаб чиқариш самардорлигини янада юқалтириш борасидаги ишлар давом эттирилди. Ишлаб чиқаришга илгор технологияларни жорий этиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ҳисобот даврида Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида намойиш этилган ишланмалар негизда 15 та янги турдаги инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди.

Рағбатлантирувчи чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 10,3 фоизга, шу жумладан, озиқ-овқат товарлари 11,5 фоизга, ноозиқ-овқат товарлар ҳажми 9,3 фоизга ўсди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан истеъмол озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуналар, хомашё ва материаллар сотиб олиш учун 156,8 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Худудларнинг саноят салоҳиятини ошириш ва истеъмол товарлари асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини яратишга доир дастурлар доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 205 та, жумладан, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга доир 118 та ва ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқаришга доир 87 та лойиҳа амалга оширилди.

Республика иқтисодиёт тармоқлари ва худудларининг экспорт салоҳиятини, шу жумладан, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш, юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чораги даврида товарлар ва хизматлар экспорти 28,5 фоизга ўсди ва 3,5 миллиард долларни ташкил этди.

Айни вақтда, республика ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажми жорий йилнинг биринчи чорагида 5,7 миллиард долларни ташкил этиб, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси эса 1,2 миллиард доллардан ошди.

Экспорт таркибида машина ва ускуналар (2,6 баравар), қора ва рангли металл (151 фоизга), кимёвий маҳсулотлар (130,1 фоизга) ва озиқ-овқат товарлари (148,9 фоизга) экспорти ҳажмлари ўсишининг юқори суръатлари таъминланди.

2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришилсин устувор йўналишларини дастурийинг амалга оширилиши самарасида банк сектори фаолиятининг асосий кўрсаткичларида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Банк тизимининг умумий капитали жорий йил биринчи чораги охирида 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 36,4 фоизга, жалб қилинган депозитлар ҳажми 52,4 фоизга, жумладан аҳоли маблағлари 1,5 баравар кўпайди. Айни вақтда кредит ташкилотларидаги аҳоли депозитларининг умумий миқдоридида муддатли ва жамғара омонатлари улуши 86,5 фоизни ташкил қилди. Натижада банкларнинг жами активлари ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 33,5 фоизга ошди. Банклар ресурслар базасининг кўпайгани уларнинг иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари инвестицион лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини кенгайтириш имконини берди. Банклар кредит портфели ҳажми 36,2 фоизга ўсди. Бунда кредит қўйилмаларининг 82,3 фоизини узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи чораги даврида тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун 1,12 триллион сўм ёки 2010 йилнинг шу давридаги қараганда 35 фоиз кўп кредит маблағлари йўналтирилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш мақсадида муомалага чиқарилган пластик картчалар сони 2010 йилнинг шу давридаги қараганда 1,42 миллион донага кўпайиб, 7,91 миллионга етди, ўрнатилган терминаллар сони эса 25,2 мингга кўпайди ва 86,1 мингга ташкил қилди. Бунинг натижасида пластик картчалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2010 йилнинг биринчи чорагида нисбатан 2 баравар ошди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасининг биржа ва кўрғазма-ярмарка савдолари умумий айланмаси 2010 йилнинг шу давридаги нисбатан 1,6 баравар ошди ва 1170,6 миллиард сўмни ташкил этди. Юқори ликвидлиги товарлар сотиш ҳажмлари салмоқли даражада, хусусан, рух (2,3 баравар), пахта толаси (3,5 баравар), пахта линти (1,9 баравар), минерал ўғитлар (2,8 баравар), кўмир (2 баравар), полиэтилен (1,4 баравар) ва техник олтингурут (40 баравар) ошди. Валюта савдо майдончасида экспорт ҳажмларининг ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 1,2 баравар ўсиши баробарида қиймати 48,9 миллион долларга тенг битимлар амалга оширилди.

## III. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш

Жорий йил биринчи чорагида амалга оширилган инвестиция сибсатида оид чора-тадбирлар, аввало, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг барча босқичларида уларнинг бажариллиши устидан доимий мониторинг олиб боришни таъминлаш, инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга масъул хўжалиқ бошқаруви органлари ва йирик корхоналар таркибий бўлинмаларини мустаҳкамлашга доир қабул қилинган чора-тадбирлар инвестицион жараёнларнинг жадаллашувиغا ижобий таъсир кўрсатди.

Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида республикада ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 3275,9 миллиард сўмни (2010 йилнинг шу давридаги нисбатан 104 фоизни) ташкил қилди. Иқтисодиётдаги капитал қўйилмалар умумий ҳажмида ишлаб чиқаришни ташкил этишга 70 фоиздан ортиқ инвестициялар йўналтирилди.

2010 йилнинг шу давридаги нисбатан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (3,3 баравар), тижорат банклари кредитлари (1,9 баравар), Ўзбекистон Тикланлиши ва тараққиёт жамғармаси (11 фоизга), корхоналарнинг ўз маблағлари (21,7 фоизга) ва аҳоли маблағлари (2,1 баравар) ҳисобидан ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмлари сезиларли даражада ўсди.

Техник модернизациялаш дастурлари доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 818 та лойиҳанинг амалга оширилиши давом эттирилди, улардан 145 та ишлаб чиқариш объекти, хусусан, энгил ва тўқимачилик саноятида 38 та, озиқ-овқат саноятида 48 та, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 37 та, ёғочни қайта ишлаш саноятида 10 та, машинасозликда 3 та, кимё тармоғида 2 та объект фойдаланишга топширилди.

Умуман олганда, Тошкент вилоятидаги «Solya Textile» қўшма корхонасида ва Чуст туманидаги «Стайл текстил» масъулияти чекланган жамиятида трикотаж буюмлар, Ангрэн шаҳридаги «Sungreptex» қўшма корхонасида тайёр тикуччилик буюмлари, Пастдарғом туманидаги «Пастдарғом тикуччи» масъулияти чекланган жамиятида болалар кийими ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Тошкент шаҳридаги «Remedy Group» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасида суртма препаратлари ва линиментлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, «ТТЗ» очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш майдонларини янги замонавий қишлоқ хўжалиқ техникаси йиғиниши ташкил этиш учун реконструкция қилиш, Тўрақўрғон туманидаги «Наманган қишлоқ қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамиятида пишққ гишт ишлаб чиқаришни ташкил этишга доир ва бошқа лойиҳаларнинг амалга оширилиши яқунланди.

Жорий йил биринчи чорагида 68 та мелiorация объекти барпо этиш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди. Ҳисобот даврида ушбу ишларни мо-

лиялаштиришга Суғориладиган ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилнинг шу давридаги нисбатан 1,8 бараварга кўпайиб, 9,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Натижада 84,7 километр коллектор-дренаж тармоқларини тиклаш ва қуриш ишлари яқунланди, 173 та лойиҳа бўйича тиклаш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, 2,3 минг километр коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди.

Янги боғлар ва тоқзорларни яратиш ва мавжудларини тиклаш дастури доирасида ҳисобот даврида 14,4 минг гектар майдонда мевали дарактлар қўчалари ва 5,3 минг гектар майдонда тоқлар экилди. 11,1 минг гектар боғлар ва 5,3 минг гектар тоқзорлар тикланди.

Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш бўйича чораларнинг бажарилиши шу йилнинг I чорагида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан савзавотлари 18 фоизга, гўшти 6,5 фоиз, сутни 7,1 фоиз ва туҳумни 14,2 фоиз кўп ишлаб чиқариш имконини берди. Йилнинг ўтган даврида қиймати 125,6 миллион долларлик 77 минг тонна мевасавзавот маҳсулотлари, шу жумладан, 54,8 минг тонна савзавот, 12,3 минг тонна мева ва 7,9 минг тонна узум экспорт қилинди.

Чорвачиликни ривожлантириш дастурини амалга ошириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, чорвачиликнинг сервис хизматлар тармоғини яратиш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича бажарилган ишлар самарасида шу йилнинг I чорагида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида кимшоди савдолари орқали 1623 бош зотдор қорамол сотилди, хомийлар, нодавлат ва маҳалла жамғармалари ҳисобидан 1660 та дав таъминланган оила йирик шохли қорамол билан бепул таъминланди.

Натижада шу йилнинг ҳисобот даврида барча тоифадаги хўжалиқларда йирик шохли қорамоллар умумий сони 9,1 миллион бошга етди (2010 йилнинг шу давридаги нисбатан 106,4 фоизни ташкил этди). Шу жумладан, сигирлар 3,73 миллион бошни ташкил этди (105,8 фоиз). Бундан ташқари, I чорак давомида 302 та паррандачилик хўжалиғи ташкил қилинди.

Жорий йилнинг I чораги даврида тижорат банклари томонидан фермер хўжалиқлари ва агрофирмаларга «АгроМинитехЭкспо» кўрғазмалари доирасида минитехнологиялар ва ихчам жиҳозларни харид қилиш юзасидан тузилган шартномаларни молиялаш учун 3,9 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Ҳисобот даврида республика бўйича мевасавзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 10 та корхона, шунингдек, аҳолидан сут қабул қилиш бўйича 5 та шохбеча ташкил қилинди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилмани ривожлантириш бўйича дастури амалга оширишга I чорак давомида Бандликка қўмақлаштириш жамғармаси, Микрокредитбанк ва бошқа тижорат банкларининг 9,2 миллиард сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди.

Мобиль алоқа ва интернет хизматидан фойдаланувчи абонентлар сони ҳамда АТСларнинг рақамлашуви даражаси ошганлиги натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 42,7 фоизга кўпайди.

Микро ва истеъмол кредитлашни янада ривожлантириш, тўлов тизимини такомиллаштириш ҳамда молиявий инфратузилма институтларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чоралар молиявий хизматлар ҳажмининг 25,9 фоизга ошириш имконини берди.

1,2 мингдан зиёд янги чакана савдо ва умумий оқватлашни корхоналарининг ишга туширилгани ички савдо ва оқватлашни хизматларининг 15,2 фоизга ортишига қўмақлашди. 90 дан зиёд маийш хизмат кўрсатиш объекти ташкил қилинганлиги маийш хизматлар ҳажмининг 17,3 фоизга ошириш имконини берди.

Қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар жадал суръатлар билан ривожланмоқда. 843 та чакана савдо объекти, 43 та умумий оқватлашни объекти ва 74 та маийш хизмат кўрсатиш корхонаси ишга туширилиши натижасида қишлоқ жойларда 30,4 минг иш ўрни яратилди.

Амалга оширилган чоралар натижасида жорий йилнинг I чорагида хизматлар умумий ҳажми 2010 йилнинг шу давридаги нисбатан 12,6 фоизга ортди, бу эса ушбу соҳанинг ЯИМдаги улушини 48,5 фоизга (2010 йилнинг биринчи чорагида 46,4 фоиз) етказиш имконини берди.

## IV. Инфратузилма, транспорт ва коммуникациялар қурилишини комплекс ва жадал ривожлантириш

Шу йилнинг I чорагида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектиларига Ўзбек миллий автомагистрალი таркибига кирувчи 5 километр автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди, шунингдек, А-379 «Навойи-Учкудук» автомобиль йўлининг 10 километрга реконструкция қилиш ишлари яқунланди.

2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришнинг жадаллаштириш тўғрисидаги дастур доирасида шу йилнинг I чораги давомида 11 километр темир йўлларни тиклаш ишлари амалга оширилди.

Ўтган даврда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК самолётларида йўловчиларни ташиш ҳажми 2010 йилнинг шу давридаги нисбатан 11,4 фоизга ортди. Навойи шаҳридаги халқаро аэропортдан юкларни юнатиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 22,4 баравар кўпайди.

Қурилиш материаллари ортиб бораётган талабни қондириш мақсадида шу йилнинг I чорагида республикада маҳаллий хомашё ресурслар ва компонентлардан фойдаланган ҳолда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича 43 та янги ишлаб чиқариш ташкил қилинди. Деборбон материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар дастури доирасидаги жами 34,6 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга 8 та янги гишт заводи ишга туширилди, 5 та пишққ гишт ишлаб чиқариш заводи модернизация қилинди, шу жумладан, 2 та корхона

хомашё компоненти сифатида кўмирдан фойдаланувчи ишлаб чиқаришга ўтказилди.

Уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича қўрилган қўшимча чора-тадбирлар туфайли республикада 1642,2 минг квадрат метр уй-жой, шу жумладан, 1242,6 минг квадрат метр уй-жой қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилди, бу эса ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 14,3 фоиз ортқидир. 20,9 миллиард сўмлик инвестиция маблағларининг ичимлик суви таъминоти объектиларини қуриш ва реконструкция қилишга йўналтирилиши самарасида республика бўйича ҳисобот даврида 287,4 километр, шу жумладан, қишлоқ жойларида 236,9 километр сув тармоқлари фойдаланишга топширилди.

## V. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, максимал даражада кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун максимал даражада кулай ишбилармонлик шароити ва муҳитини яратиш борасида меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мобайнида кичик бизнес вақилларини давлат харидлари тизимига жалб қилишни кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Айни пайтда адлия органларида маҳсул «ишонч телефонлари» ташкил қилинди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалиқ фаолиятини текширишлар сони кескин равишда қисқартирилди.

Амалга оширилган чоралар натижасида шу йилнинг I чораги давомида 170 та, шу жумладан, тўқимачилик саноятида – 23 та, қурилиш материаллари саноятида – 49 та, озиқ-овқат саноятида – 75 та, тери-пойабзал саноятида – 2 та ва бошқа соҳаларда – 21 та кичик корхона ишга туширилди. Кичик бизнесда саноят ишлаб чиқариши суръати 117,8 фоизни ташкил этди, бу саноятдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан 8 та юқоридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаятган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалиқ фаолиятини солиқ соҳасида текшириш таққилланди.

Кичик бизнеснинг молиявий ва моддий ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ажажатилган кредит маблағлари 865,9 миллиард сўмни ташкил этди, шундан 159,8 миллиард сўми микрокредитлар бўлиб, бу 2010 йилнинг шу давридаги нисбатан 1,4 баравар кўпдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хомашё ресурслардан фойдаланишини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кичик бизнес вақиллари томонидан ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида биржа савдоларида харид қилинган товарлар ҳажмининг 1,5 баравар кўпайтириш имконини берди. Кичик бизнес субъектлари томонидан биржа (савдолари орқали сотилган) ишлаб чиқариш товарлари 1,8 баравар кўпайди. Биржа айланмасининг умумий ҳажмида кичик бизнес субъектлари томонидан тузилган битимлар улуши 82 фоизни ташкил этди.

## VI. Ижтимоий ривожланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш

Жорий йилнинг I чорагида ҳудудий дастурларга мувофиқ, 219 минг янги иш ўринлари яратилди, шундан 70 фоиз қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Янги иш ўринларининг 137,6 мингтаси (62,9 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ташкил этилди. Касаначилик фаолияти турларини кенгайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 54,2 минг иш ўрни ташкил этилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳаларга оид ва турлича билим даражасига эга кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида олий ва ўрта маҳсул касб-ҳунар таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга таътиб этиш, шунингдек, маҳалла кадрлар тайёрлаш ишлари давом эттирилди.

Янги ташкил этилган бюджетдан ташқари Таълим муассасаларининг реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шу йилнинг биринчи чораги давомида умумий ҳажми 18 миллиард сўмлик маблағлар ўзлаштирилди. Ўтган вақт давомида болалар спорт объектиларини қуриш ва реконструкция қилишга йўналтирилган капитал қўйилмалар ҳажми Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағи ҳисобидан 3,33 баравар ошди ва 18,4 миллиард сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 2011 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида соғлиқни сақлаш объектиларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 23,4 миллиард сўм бюджет маблағлари ўзлаштирилди. Халқаро молия институтлари кредит маблағлари ҳисобидан соғлиқни сақлаш муассасаларини юқори технологияли диагностика ва даворлаш тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш бўйича учта инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

2011 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланишини, аҳоли бандлигини таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

**Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ва ногиронларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йилнинг 22 апрель куни эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида бундай ишлар кўлами янада кенгаймоқда.**

**МЕҲР ВА ҒАМҲЎРЛИК ИФОДАСИ**

Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи 88 яшар Иброҳим ота Исомиддинов хонадони ҳар доимгидек меҳмонлар билан ғажум. Қариндошлари, дўст-биродарларидан ташқари, собиқ ҳамкасблари, талбалар, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари вакиллари ҳам бу ерга тез-тез ташриф буюрадилар.

Иброҳим ота урушдан қайтган, умрининг 52 йилини ёш авлод тарбиясига бағишлади. Жумладан, 12 йил давомида Тошкент ахборот технологиялари университетини давос берди. Шу кунларда уруш фахрийсини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентли-

ги ходимлари, «Тошкент почтампти» акциядорлик жамиятининг Мирзо Улуғбек туманларо филиали вакиллари гуллар ва совғалар билан кутлашди.

— Биз, фахрийлар юртимизда кекса авлод вакиллари, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликдан ниҳоятда мамнунимиз, — дейди Иброҳим ота. — Айниқса, кўрсатилаётган моддий ва маънавий ёрдам, ижтимоий-тиббий кўмак учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз. Бундай эътибор руҳимизни кўтариб, кўнглимизни шод қилмоқда.

**Сардор ТОЖИЕВ,**  
ЎЗА мухбири



**КЕКСАЛАРНИ ҚАДРЛАШ — ЭЗГУ ФАЗИЛАТ**

**Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 22 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан жойларда тантанали тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

Яккасарой туманида ўтказилган ана шундай тадбирда бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига байрам совғалари ва дори-дармонлар топширилди. Туман ҳокимлиги, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари вакиллари, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Дори-дармон» компанияси ходимлари иштирок этган тадбирда юртимизда кексаларга, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Кекса авлод вакиллари қадрлаш — халқимизга хос эзгу фазилатлардан, — дейди ЎЗА мухбирига Якасаройлик уруш қатнашчиси Собир бобо Султонов. — Истиқлол йилларида ёши улғу инсонларга моддий-маънавий ёрдам бериш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Бунинг

амалий самаралари ҳаётимизда ўз ифодасини топишмоқда. Ҳар лаҳза бу тинч-осойишта кунларимиз бардавом бўлишини дуо қилиб, ёшларни унинг қадрига етишга ундашдан чарчамаймиз.

Бугун мазкур туманда 102 нафар уруш қатнашчиси ва ногирони, 500 нафардан ортиқ фронтоти меҳнат фахрийси истиқомат қилади. Улар ҳар та-

рафлама кўллаб-қувватланиб, зарур дори-дармон ҳамда протез-ортопедия мосламалари билан бепул таъминланмоқда. Санаторийларга йўлланмалар берилмоқда. Буларнинг барчаси кўпни кўрган кексаларнинг кўнглини янада кўтариб, уларнинг ҳаётдан завқ олиб яшашига хизмат қилмоқда.

**Х.САЛИМОВ**

**Юртимизда ёши улғу инсонларни эъзозлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, муносиб турмуш кечирishi учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

моқда, байрам тўхталари берилмоқда.

Ҳамза туманидаги «Бунёдкор» маҳалласида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 90 ёшли Хошимжон ота Нишоннов хонадонига ҳам илғор ўқитувчилар, «Камалак» ташкилотининг аъзолари, маҳалла фаоллари ташриф буюрди.

— Ёшларни она Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат

да кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Х.Нишоннов урушдан сўнг қирқ йилдан зиёд темир йўл соҳасида меҳнат қилди. Мустақиллик йилларида унинг меҳнатлари юқори қадрланиб, «Шўҳрат» медали билан тақдирланди.

— Президентимиз Ислам Каримов томонидан биз, кексаларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик кўнглимизни тоғдек кўтармоқда, умримизга умр кўшмоқда, — дейди Х.Нишоннов. — Юртимизда барча фуқароларнинг қўнғуний манфаатларини ҳимоялаш борасидаги эзгу ишларни бугун дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Ўзбекистонни муқаддас Ватан билиш, тинч ва осойишта, фаровон ҳаётнинг қадрига етиш барчамизнинг чин фарзандлик бурчимиздир.



Абду Абдуллаев (ЎЗА) олинган сурат

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони уруш фахрийларини моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва пойтахтимизда турли вазирлик ва идоралар,

жамоат ташкилотларининг вакиллари томонидан нуруний отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олинмоқда. Умум-халқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан кексаларга дори-дармон, тиббий воситалар ва совғалар топширилмоқда.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва «Камолот»

ёшлар ижтимоий ҳаракати «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида ушбу умумхалқ байрамини муносиб ўтказишга бағишланган ижтимоий лойиҳа ишлаб чиқилди. Унинг доирасида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинмоқда, уларга уй-рўзгор юмушларида яқиндан кўмаклашил-

руҳида тарбиялашда нуруний отахон ва онахонларнинг хиссаси катта, — дейди 216-умумий ўрта таълим мактабининг директори Саодат Бердимуродова. — Шу боис мактабимизда уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ўтказишга, уларнинг ибратли ҳаёт тажрибасидан ёшлар тарбияси йўли-

**ЭЪТИБОРДАН УЗАЙГАН УМР**

**Ўтганлар хотирасини ёд этиш, кексаларга ҳурмат ва эътибор кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилатлардан. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан кенг нишонланаётган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни замирида ҳам ана шу қадимий ва боқий қадриятлар мужассам.**

**ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — БЕБАҲО НЕЪМАТ**

Шу кунларда юртимиз бўйлаб мазкур қўлғу байрамга бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Пойтахтимиздаги «Эзидёр» ресторанида 350 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари учун байрам дастурхони ёзилди. Тадбир Республика «Нуроний» жамғармаси ва «Билайн» савдо белгиси остида фаолият олиб бораётган «UNITEL» мобил алоқа оператори ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Эркин Боқибоев мамлакатимизда истиқлол йилларида кексалар, жумладан, уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 22 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони бунинг ёрқин ифодасидир.

Таниқли маданият ва санъат арбоблари, ўрта махсус касб-хунар муассасалари ўқувчилари ва бошқалар уруш ва меҳнат фахрийларини яқинлашиб келаётган байрам билан кутладилар. Учрашувда тинчлик, дўстлик, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, Ватанимиз мустақиллигини тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

— Биз давлатимиз томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликдан ниҳоятда миннатдоримиз, — дейди Ҳамза туманида истиқомат қилувчи, қарий 40 йил давомида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимида меҳнат қилган Узоқбой ота. — Бугун биз яна бир бор дўстларимиз билан дийдор кўришдик, ёшликдаги қийин давларни ёдга олдик. Тинчлик ва хотиржамлик — истиқлолимиз бахш этган бебаҳо неъмат эканини янада теран ҳис этмоқдамиз.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари ва дори-дармон воситалари топширилди.

**ФАҲРИЙ ЖУРНАЛИСТЛАР ЭЪЗОЗДА**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, миллий матбуотимиз ривожига катта ҳисса қўшган ёши улғу журналистлар тақлиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғулломов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда медиа соҳани изчил ва босқичма-босқич ислоҳ этиш, оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, журналистлар меҳнатини кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Соҳага оид ўнга яқин қўнғун ҳужжатларининг ҳаётга таътиқ этилиши натижасида юртимизда теле, радио, босма ва интернет журналистикаси изчил ривожланмоқда, тахририятларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадал жорий этилмоқда, журналист кадрларнинг касб малака-

си ва маҳорати муттасил оширилмоқда. Бу йўналишдаги эзгу ишларда миллий оммавий ахборот воситаларимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрий журналистларни эъзозлаш, аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга оид ишлар алоҳида ўрин тутди. Зеро, ёши улғу журналистларнинг ибратли ҳаёт йўли ва баракали ижоди соҳага эндигина кириб келаётган қалам-кашлар учун ўзига хос мактаб вазифини ўтайди.

— Президентимиз Ислам Каримов томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидан оммавий ахборот воситалари соҳасини раҳнақ топтириш, фаолиятини жаҳон андозалари талаби даражасида юксалтиришга доимий эътибор қаратилмоқда, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, фахрий журналист Қ.Исломов ЎЗА мухбирига. — Шу билан бирга, ёши улғу ижодкорларга, айниқса, уруш фахрийларига алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатилаётгани, уларнинг меҳнати қадрланаётгани, ҳар жиҳатдан кўллаб-қувватланаётганини кундалик ҳаётимизда доимо ҳис этиб яшамоқдамиз.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва соҳада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган журналистларга байрам совғалари топширилди.

**Назозат УСМОНОВА**

**ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ**

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 5 май куни Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Ҳиндистон савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, саноат, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фармацевтика, сайёҳлик, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, тўқимачилик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, мазкур форум ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга катта ҳисса қўшиши алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва ҳурмат, манфаатдорлик ва амалий ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Мамлакатимизда ҳинд сармоядорлари иштирокида тузилган 62 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мамлакатнинг йигирмага яқин фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар асосан тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, сайёҳлик, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган.

— Компаниямиз озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашда қўлланиладиган технологияларни ишлаб чиқариш билан шўғулланади, — дейди Ҳиндистоннинг «Sifter International» компанияси директори Субхаш Чандер Атриш. — Халқаро стандартларга тўла жавоб бера оладиган маҳсулотларимиз дунёнинг 45 мамлакатига, жумладан, АҚШ, Украина, Руминия, Бангладеш, Испания каби давлатларга экспорт қилинади. Технологияларимиз ёғ сабзавот, гўрuch каби кўплаб маҳсулотларни саралайди, тозалайди ва қайта ишлайди. Юртингизда чет эл ишбилармонлари учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлар Ҳиндистонлик тадбиркорларнинг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини тобора кучайтирмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар имзоланган. Ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. 2010 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 21,1 фоиз ошди. Бугунги кунда Ҳиндистонлик сармоядорлар Ўзбекистон билан пахта саноати, қончилик ва табиий ресурслар каби соҳаларда ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Форумда Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Ҳиндистон компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, «Навойи» эркин индустриал-иқтисодий зонасида қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг кўплаб компания ва корхоналари ҳамда Ҳиндистон ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

**Мадина УМАРОВА,**  
ЎЗА мухбири

**ТАБРИКЛАЙМИЗ! ҲУРМАТЛИ МУРТАЗО СУЛТОНОВИЧ!**

**Табаррук 74 ёшингиз билан самимий кутлаймиш. Биз Сизни барча матбаачиларнинг жонқуяри, матбуотни чин дилдан ардоқлайдиган ва тарғиб этадиган инсон сифатида қадрлаймиш. Фарзандларингиз, яқинларингиз, ёру дўстларингиз даврасида ҳамisha азизу муқаррам бўлиб юринг.**

**Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-омад, оилангизга осойишталик тилаб қоламиз.**

**Бундан буён ҳам матбуотга сидқидилдан хизмат қилишдан асло чарчаманг.**

**Ҳурмат ва эҳтиром билан**

**«Шарқ» НМАК жамоаси**



ХАФТАЛИК ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

ЖУМА, 13

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00 «Икким».

14.00 «Дунё» теледастури. 14.55 «Анонс». 15.00 «Пойтахт».

14.40 «Форум вақти» 15.00 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури.

14.20 «Одил суд». 14.55 «Бахшайна». 15.00 «Ҳайри тонг!».

2.25 2011 йил - Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили: «Ис-лоҳот одимлари».

кўрсатуви 21.30 Кечки кинозал: «Жоним фидо» б/ф (Ҳиндистон).

«Ёшлар» 05.55 Дастуринг очилиши. 6.00 «Муҳаббат дунё».

ntf 06.30 Мумтоз наволар 07.00 «Халқат спорт» информацион-таҳлилий дастури.

Россия

03.45 Худ. фильм «Холодное лето пятнадцать лет...».

03.45 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури. 04.00 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури.

03.45 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури. 04.00 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури.

03.45 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури. 04.00 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури.

03.45 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури. 04.00 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури.

03.45 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури. 04.00 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури.

03.45 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури. 04.00 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури.

03.45 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури. 04.00 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури.

Тошкент Оқшомы Вечерний Ташкент ОБУНА - ЙИЛ ДАВОМИДА «Тошкент оқшомы» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига қорхона ва ташкилотлар Тошкент почтампанинг туманлароси филиаллари орқали пул ўтказиш йўли билан обуна бўлиши мумкин.

Ўзбекистон

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

Россия

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

Ўзбекистон

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

05.55 «Дастуринг очилиши». 6.00 «Тарангун».

Россия

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

04.00 Утро России 08.15 Мусулмане 08.45 «С новым домом!»

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига «Тошкент почтампанига» - 233-74-05 телефони мувожаат қилишингиз мумкин.